

«Uzbekistan Airways»  
АЖ Якка акциядорнинг 2019 йил «18»  
октябр кунги.4-сонли қарори билан  
«ТАСДИҚЛАНДИ»

**«UZBEKISTAN AIRWAYS» АКЦИЯДОР ЖАМИЯТИНИНГ**  
**АХБОРОТ СИЁСАТИ БЎЙИЧА**  
**Й Ў Р И Қ Н О М А**

## Мазмуни

- I. Умумий [қоидалар](#)
- II. Жамиятнинг ахборот сиёсатини мақсади, асослари ва йўналишлари
- III. Қонунчилик талабларига мувофиқ Жамият томонидан ошкора қилиниши шарт бўлган, очик маълумотларни ошкора қилишни тартиби ва йўллари
- IV. Корпоратив бошқарув Кодексининг тавсиясига мувофиқ, Жамият томонидан қўшимча маълумотларни ошкор этиш рўйхати ва тартиби
- V. Маълумотни ошкор қилишда Ижрочи органининг мажбуриятлари
- VI. Акциядорларга маълумот ва хужжатларни тақдим этиш тартиби
- VII. Жамиятнинг бошқарув органи ва мансабдор шахслари томонидан ахборотни очиш
- VIII. Жамиятнинг бошқарув ва назорат органи аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ва манфаатдорлар шахслар ўртасида ўзаро ахборот алмашиш тартиби
- IX. Маълумотнинг махфийлиги
- X. Жамиятнинг ахборот сиёсатини назорат қилишни таъминлаш чоралари
- XI. Яқуний қоидалар

## I. Умумий қоидалар.

1. Мазкур ахборот сиёсати ҳақидаги Йўриқнома (келгусида - Йўриқнома) Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори ҳақида”ги, “Акциядор жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида”ги, “Қимматли қоғозлар бозорида маълумотларни тақдим этиш ва тарқатиш тартиби” (ЎзР Адлия Вазирлигида 31.07.2012й. 2383 сони билан рўйхатдан ўтган) ҳақидаги Қарорлари, “Акциядор жамиятидаги корпоратив вейб-сайтларга бўлган талабларнинг қоидалари” (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014й. куни 176-сонли Қарори билан тасдиқланган “Жойлардаги давлат ҳукумат органлари, давлат ва хўжалик бошқарув органларининг расмий веб-сайтларига бўлган асосий талаблар” (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2013й. 355-сонли “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникацион технологияни ривожлантириш ҳолатини Қарори билан тасдиқланган) Қарори, «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятининг Низоми (келгусида Жамият, ҳамда корпоратив бошқариш Кодекси тавсиялари (31.12.2015й. кунги 9-сонли баённома)га мувофиқ ишлаб чиқарилган.

2. ЎзР “Қимматли қоғозлар бозори ҳақида”ги Қонунига мувофиқ, ахборотнинг ошкор қилиниши қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги маълумотларнинг, ушбу маълумотни қаерда жойлашганлиги ва олинишини кафолатлайдиган шаклда олишдан қатъий назар, манфаатдор томонларга тақдим этилишини таъминлайди Мазкур Йўриқнома Жамиятнинг ахборот сиёсатини мақсади, асослари ва йўналишларини, қонунчилик талабига мувофиқ қош қилиниши шарт бўлган, очиқ ахборотларни қош қилиш қонуни ва йўлларини, корпоратив бошқариш Кодексининг талабларига мувофиқ Жамият томонидан қош қилинадиган қўшимча ахборотлар рўйхати, Жамият ҳақидаги қош қилиниши лозим бўлган ахборотни Ижро органининг мажбуриятларини, акциядорларга ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш тартибини белгилайди, шунингдек, манфаатдор шахслар билан ахборот алмашиш тартибини ва ахборотнинг махфийликка киритишлик мезонини аниқлайди.

3. Мазкур Йўриқнома Жамият ходимлари ва мансабдор шахслари, бошқариш органларининг аъзолари учун риоя этилиши шарт.

### II. Жамиятнинг ахборот сиёсатининг мақсади, асослари ва йўналишлари.

4. **Жамиятнинг ахборот сиёсатининг мақсади** - Жамият фаолиятининг акциядорлар, инвесторлар, мижозлар, кредиторлар, шериклар, таъминотчилар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор шахслар(келгусида манфаатдор шахслар)нинг ахборотга бўлган эҳтиёжини, Жамият ва унинг фаолияти ҳақидаги ҳаққоний ахборотга Жамиятнинг фаолиятини очиқ ва шаффофлигини таъминлашдир.

5. **Жамиятнинг ахборот сиёсатини асосий асослари** - информацион ресурсларни мунтазамлиги, тезкорлиги, ҳаммабоплилиги, тўлиқлиги, тенг ҳуқуқлиги, баланслилиги, ҳимояланганлигидир.

6. Мунтазамлик асоси - Жамият томонидан манфаатдор томонларга доимийлик асосида Жамият ҳақида ахборотларни етказиб беришга йўналтирилган.

7. Тезкорлик асоси - Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи мавжуд воқеалар ва ҳақиқатлар ҳақида қисқа муддатларда манфаатдор шахсларни хабардор қилишни билдиради.

8. Ахборотни ҳаммабоплик асоси остида, Жамият ўз фаолияти тўғрисида маълумот тарқатиш каналлари ва усулларидан фойдаланади, манфаатдор шахсларнинг ошкор қилинадиган маълумотларга бепул, осон ва танланмасдан киришини таъминланиш тушунилади

9. Тўлиқлик асоси Жамият фаолиятининг натижалари ҳақида, бунда ҳақиқатга тўғри келувчи ўзи ҳақидаги салбий ахборотларни ошкор қилишдан ўзини четга олмасдан, Жамият ҳақидаги тўлиқ тассавурни шакклантиришга имкон берадиган ахборотларни тақдим этиши тушунилади.

10. Тенг ҳуқуқлик асоси барча манфаатдор шахсларга Жамиятнинг фаолияти ҳақидаги маълумотларни олиш ва бепул, осон ва танланмасдан киришини тенг ҳуқуқлигини таъминланиш тушунилади.

11. Баланс асоси Жамиятнинг очиқлиги ва шаффофлиги ва унинг тижрат манфаатларини таъминлаш ўртасида оқилona мувозанатни сақлашни таъминлайди Бунда мажбурий шарт бўлган қуйидагилардир:

а) махфий маълумотни ҳимоя қилиш;

б) Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва қонунчиликда белгиланган молиявий воситаларининг баҳосига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш тартибига риоя этиш.

12. Ҳимоя қилинганлик асоси махфий маълумот, ёки тижрат, хизмат ёки бошқа сир ҳисобланган маълумотларни ҳимоя қилиш, қонунчиликда рухсат берилган воситалари ва усулларидан фойдаланишни кўзда тутади.

13. Ахборот сиёсати қуйидаги йўналишларда ишлатилади::

а) қонунчилик талабларига мувофиқ ошкор қилиниши лозим бўлган маълумотларни Жамият томонидан ошкор қилиниши;

б) корпоратив бошқариш Кодексининг тавсияларига мувофиқ қўшимча маълумотларни Жамият томонидан ошкор қилиниши;

в) акциядорларга маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш;

г) манфаатдорларга маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш;

д) Жамиятнинг мансабдор шахсларига ва бошқариш органларига маълумотларни ошкор қилиш..

### **III. Қонунчилик талабларига мувофиқ Жамият томонидан тарқатилиши шарт бўлган очиқ маълумотларни тарқатиш тартиби ва йўллари.**

14. ЎзР нинг «Акциядор жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида»ги Қонунига (106 моддаси «Жамият ҳақида маълумот») асосан, Жамият қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда Жамият ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиши лозим.

15. ЎзРнинг “Қимматли қоғозлар бозори ҳақида”ги Қонунига мувофиқ, маълумотнинг ошкор қилиниши - ушбу маълумотни қандай мақсадда олинаётганлигидан қатъий назар, қаерда жойлашганлиги ва олиншини кафолатлайдиган, манфатдор шахсларга қимматли қоғозлар бозоридаги маълумотларнинг ҳаммабплигини таъминлашдир.

16. Жамият Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори ҳақида”ги, “Акциядор жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида”ги, “Қимматли қоғозлар бозорида маълумотларни тақдим этиш ва тарқатиш тартиби” (ЎзР Адлия Вазирлигида 31.07.2012й. 2383 сони билан рўйхатдан ўтган) ҳақидаги Қарорлар, “Акциядор жамиятидаги корпоратив вейб-сайтларга бўлган талабларнинг қоидалари” (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014й. куни 176-сонли Қарори билан тасдиқланган “Жойлардаги давалат ҳукумат органлари, давлат ва хўжалик бошқарув органларининг

расмий веб-сайтларига бўлган асосий талаблар” (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2013й. 355-сонли “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникацион технологияни ривожлантириш ҳолатини Қарори билан тасдиқланган ) ва қонунчиликнинг бошқа баённомалари билан белгиланган ҳажм, муддат ва усулларида ошкор қилиниши шарт бўлган очик маълумотни ошкор қилади.

17. Жамият томонидан ахборотни ошкор қилиниши шарт бўлган қуйидаги ахборот каналлари орқали амалга оширилади:

а) корпоратив ахборотнинг Ягона порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича давлат органи вакилининг расмий веб-сайтида);

б) жамғарма биржасининг расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz));

в) Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида;

г) оммавий ахборот воситаларида.

18. **Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича давлат органи вакилининг расмий веб-сайтида** ошкор қилиниши шарт бўлган қуйидаги ахборот ва ҳужжатлар ошкор қилинади:

а) қимматли қоғозлар рисоласи билан танишиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек эмиссия рисоласида келтирилган қуйидаги маълумотлар;

б) эмитентнинг тўлиқ ва қисқартирилган номланиши, унинг манзили (почта манзили) банк реквизитлари, ҳуқуқий шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат статистика ва солиқ хизмати органлари томонидан берилган рўйхат ва идентификацион рақамлари;

в) фаолиятнинг асосий йўналиши ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг турлари (хизматлари);

г) керакли шарҳлар билан мустақил рейтинг баҳолари – агар мавжуд бўлса;

д) қимматли қоғозлар чиқариш ҳақидаги қарорларга мувофиқ қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш шартлари. Мазкур ахборот қимматли қоғозларни жойлаштиришдан икки ҳафта олдин ошкор қилинади, қимматли қоғозларни хусусий жойлаштириш бундан мустасно;

е) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи;

ж) Жамиятнинг биринчи чорак, биринчи ярим йиллик ва тўққиз ойлик ҳисобот натижалари;

з) Жамиятнинг фаолиятидаги аҳамиятга эга бўлган фактлар.

Жамият юқоридаги маълумотни қимматли қоғозлар бозорида маълумотларни тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидаларида белгиланган муддатларда ва шаклларда ошкор қилади (Адлия Вазирлигида 31.07.2012й. 2383 сони билан рўйхатга олинган).

19. Жамғарма биржасининг котировка вароғида Жамиятнинг қимматли қоғозлари киритилган ва (ёки топилган) тақдирда, Жамият жамғарма биржасининг расмий сайтида қўшимча ошкор қилади.:

а) Мазкур Низомнинг 18 б. кўрсатилган ахборотни;

б) Жамиятнинг Низоми ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалари;

в) биржа бюллетени ҳақидаги Низом талабларига мувофиқ керакли ахборотни.

20. **Оммавий ахборот воситаларида** ошкор этилиши лозим бўлган қуйидаги маълумот ошкор этилади:

а) акциядорларини умумий мажлис чақариш ҳақидаги хабарномаси. Мазкур маълумот акциядорларни йиллик умумий мажлис ўтказилиш санасига 7 кундан кечиктирмасдан, аммо 30 кундан олдин бўлмаганида эълон қилинади;

б) молиявий ҳисоботни Халқаро стандартларига мувофиқ, аудит Халқаро стандартларига мувофиқ, унинг ташқи аудити ўтказилганидан сўнг, тузилган йиллик молиявий ҳисоботлар. Мазкур маълумот акциядорларни йиллик умумий мажлис ўтказилиш санасига икки ҳафтадан кечиктирмасдан эълон қилинади;

в) акциядорларни Жамиятнинг манзили (почта манзили) ва электрон почтасини манзили ўзгарганлиги ҳақидаги хабарнома. Ушбу маълумот олинган кундан бошлаб, икки иш куни ичида ошкор қилинади;

г) имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларга, акцияларни сотиб олиш ёки ўзгартирилган акцияларга айрибошланадиган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги таклиф. Ушбу маълумот олинган кундан бошлаб, акция ёки ўзгартирилган акцияларга айрибошланадиган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатига олинган санасидан ўн кун ичида ошкор қилинади;

д) жойлаштирилган акцияларни Жамият томонидан сотиб олиниши ҳақидаги маълумот. Мазкур маълумот акция сотиб олиш бошланиш муддатига 10 кун олдин кечиктирмасдан эълон қилинади;

е) Жамиятни тугатилиши, шунингдек унинг кредиторларини талабномаларини киритиш тартиби ва муддати ҳақидаги маълумот. Мазкур маълумот эмитент олий бошқарувининг баённомаси тузилган санадан икки иш куни мобайнида эълон қилинади;

**Ўзининг расмий корпоратив веб-сайтида** Жамият қуйидаги мажбурий ахборотни ошкор қилади:

а) информацио, перечень которой определен «Акциядор жамиятларининг корпоратив вей-сайтига талаблар ҳақидаги Қоидалар» (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014 г. «Акциядор жамиятларида корпоратив бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор билан тасдиқланган);

б) йиллик ҳисобот;

в) чораклик ҳисобот;

г) аҳамиятли фактлар;

д) конунчилик талабларига мувофиқ бошқа маълумотлар.

Жамиятнинг веб-сайтидаги мажбурий маълумотлар давлат тилида ошкор қилинади, шунингдек, бошқа тилларда ҳам ошкор қилиниши мумкин.

#### **IV. Корпоратив бошқарув Кодексининг тавсиясига мувофиқ, Жамият томонидан қўшимча маълумотларни ошкор этиш рўйхати ва тартиби**

21. Жамият маълумотни ошкор қилишда, расмиятчилик билан ёндошишдан четга чиқиб, ўз фаолияти ҳақидаги аҳамиятли маълумотларни, ҳатто бу маълумотларни ошкор қилиш конунчиликда кўзда тутилмаган бўлса ҳам, ошқора қилиши лозим.

Жамият нафақат ўзи ҳақидаги маълумотни эмас, балки ўзи учун аҳамиятли мазмунга эга бўлган, унинг бўйсунувидаги ҳуқуқий шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиши лозим.

22. Қонунчиликда кўзда тутилган маълумотлар билан бир қаторда, Жамият қўшимча равишда қуйидагиларни ошкор қилиш мажбуриятини олади:

а) Жамиятда қабул қилинган, Жамиятнинг вазифалари ва сиёсати, корпоратив қимматликлари, узоқ муддатли ва ўрта муддатли стратегияси, миссияси ҳақидаги маълумотлар;

б) Жамиятнинг инвестицион лойиҳалар шаклида амалга ошириладиган, кутилаётган соф фойдани кўрсатган ҳолда, кенгайтириш, қайта қуриш, реконструкция ва техник қайта жиҳозлаш режалари

в) Жамият акцияларини котировкаси бўйича маълумотлар мавжуд бўлганида, шунингдек фундаментал ва техник таҳлили, мутахассилар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва таҳминлари;

г) таклиф қилинган соф фойда, дивидент миқдорини тақсимлашни асослаш, Жамиятда қабул қилинган дивидент сиёсатига мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек, зарурий ҳолатларда, жамиятни ривожлантириш эҳтиёжиде соф фойдани маълум қисмида йўналиш хажмларини иқтисодий асослаш ва изоҳлаш;

д) Жамиятнинг бизнес турлари бўйича, капитал қийматининг аҳамияти бўлганида ва мазкур кўрсаткичларни аҳамиятини асослаган ҳолда, Жамият капиталининг ўртаолинган қиймати;

е) Жамиятнинг ижро органи ҳақида маълумотлар, шу жумладан мазкур Жамиятда ишлаган даври;

ж) Жамият Ижро органининг фаолиятини самарадорлигини баҳолаш натижалари;

з) хайрия (спонсор) ёки беминнат ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби, усуллари ва шу ҳақидаги қарорни қабул қилиш ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, аслида кўрсатилган (олинган) хайрия (спонсорлик) ёки беминнат ёрдам суммалари;

и) Жамиятнинг молиявий аҳволи тўғрисида қўшимча маълумот; Жамиятнинг капитал тизими ҳақида маълумот; корпоратив бошқарув аҳволи ҳақида маълумот; Жамиятнинг ижтимоий ва экологик жавобгарлик соҳасидаги маълумот.

23. Жамиятнинг молиявий фаолияти ва молиявий аҳволи тўғрисидаги қуйидаги қўшимча маълумотни ошкор қилиш мажбуриятини олади:

а) ҳисобот даврида, кўриш учун имкон берадиган аудиторлик текшириш ва аудиторлик хулоса бўйича ҳисоботлар билан бирга Ҳалқаро стандартдаги молиявий ҳисоботга (ҲСМҲ) мувофиқ тузилган, жорий йилнинг олти ойидан иборат бўлган, оралик молиявий ҳисобот;

б) Жамиятнинг Ижро органи йиллик ва оралик молиявий ҳисоботига шарҳлар, ўз ичига молиявий ҳолати ва унинг фаолиятини натижалари, шу жумладан рентабеллик, молиявий барқарорлиги, актив ва пасивлар таркиби ва тизимида ўзгариш баҳоси, активларни жорий ва истиқболли ликвидларини баҳолаш, келажакда жамиятнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар ва йўналишларни тавсифи;

в) Жамиятнинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи барча мавжуд бўлган хатар-хатарлар;

г) Жамиятнинг ва унинг назорати остидаги ҳуқуқий шахсларнинг жиддий аҳамиятга эга бўлган битимлари (шу жумладан ҳамкорлари билан ва Жамият назорати остида бўлган бир ва (ёки) бир неча ҳуқуқий шахслари билан тузилган битимлар ҳақидаги лар;

д) Жамият учун жиддий аҳамиятга эга бўлган назорат остидаги ҳуқуқий шахс устидан назорат даражасини ўзгариш ҳақида ахборот;

е) Жамиятнинг ва Жамият учун аҳамиятга эга бўлган уннинг назорати остидаги ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига доир жиддий аҳамиятли воқеалар ҳақидаги бошқа ахборотлар.

24. Жамият учун жиддий аҳамиятли унинг назорати остидаги ҳуқуқий шахслар (назорати остидаги аҳамиятли ҳуқуқий шахслар) деганда, Жамият томонидан бошқариладиган, жамият назорати остидаги ташкилотларни активларнинг беш фоиздан кам бўлмаган бирлаштирилган қиймати ёки беш фоиздан кам бўлмаган бирлаштирилган кирим назорат остидаги ташкилотлар, уларнинг ҳар бири учун консалидация қилинган ҳисоботнинг камида беш фоизи эгалик қилиши, шунингдек, Жамият ва унинг назорати остидаги ҳуқуқий шахслар кирган ташкилот гуруҳларининг молиявий ҳолатини ўзгариши, фаолиятининг молиявий натижаси, Жамият нуктаи назаридан унинг молиявий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатувчи, Жамиятнинг назорати остидаги бошқа ташкилотлар тушунилади.

25. Жамият капитал тизими ҳақидаги қуйидаги қўшимча ахборотни ошкор қилиш мажбуриятини олади:

а) Жамият акциядорларининг сони ҳақидаги маълумот;

б) Жамиятнинг 20 фоиздан ортиқ акциясига эга бўлган акциядорлар ҳақида маълумот;

в) категория (турлар)га бўлинган овоз берувчи акцияларнинг сони, шунингдек Жамият ва унинг назорати остидаги бўлган ҳуқуқий ахсларнинг тасарруфидаги акциялар сони ҳақида маълумот;

г) тўғридан-тўғри ёки бевосита акцияларга эгалик қилаётган шахслар, ва (ёки Жамият низом капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизида акцияларни фойдали сотиб олувчилар ҳақида ахборот;

д) Жамиятнинг Ижро органини Жамият томонидан очилган 5 фоиздан ортиқ, акция улуши борлиги ҳақидаги маълумотлар йўқлиги ҳақидаги аризаси;

е) Жамиятнинг низом капиталидаги иштирокига тўғри келмайдиган маълум акциядорлар томонидан олиши мумкин бўлган ёки оладиган назорат даражаси, шу жумладан, Акциядор битимлари ҳақида маълумот.

26. Жамият корпоратив бошқармаси соҳасида қуйидаги қўшимча ахборотни ошкора қилиш мажбуриятини олади:

а) Жамият томонидан корпоратив бошқариш Қонунинг йўриқномалари изидан бориш ва унга амал қилиш мажбуриятини олгани ҳақидаги ахборот. Агар Қонуннинг айрим йўриқномаларига риоя қилиш имкони бўлмаса, ҳалқаро «comply or explain» («риоя қил ва тушунтир») асосига асосан, Жамият оммавий ахборот воситаларида батафсил сабабларини ошкор қилади.

б) дивидентларни ҳисоб-китобини шаффоф механизми;

в) манфатлар низоси келиб чиққан вазиятни таърифи;

г) баҳолашни ўтказган, мустақил ташкилот томонидан ўтказилган Жамиятнинг корпоратив бошқарувини ҳолатини баҳолаш натижалари;

д) бошқа маълумотлар.

27. Жамият ижтимоий ва экология жавобгарлиги соҳасидаги қуйидаги қўшимча маълумотни ошкор қилиш мажбуриятини олади:

а) ижтимоий ва экология соҳасидаги Жамиятнинг сиёсати;



б) техник аудит натижалари, сифат назорати тизимини аудити, халқаро стандартларнинг талабларига мувофиқ эканлигини менеджмент сифати тизимининг сертификациясини натижалари

28. Жамият томонида корпоратив бошқарув Қонуни тавсиясига мувофиқ қўшимча ахборотни ошқора қилиш қуйидаги ахборот каналлари орқали амалга оширилади:

а) Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида;

б) жамғарма биржаси сайтида;

в) ОАВ да;

г) ахборотни ошқор қилиш учун қонунчиликда кўзда тутилган бошқа манбаларда.

Акциядорлар, инвесторлар, шу жумладан чет эл ва Жамиятнинг бошқа манфаатдор шахслари учун қулайлик яратиш мақсадида, Жамият давлат тилидаги барча ахборотни керакли тилларга таржима қилган ҳолда инглиз, рус ва бошқа тиллардаги сайтларни яратиш орқали Жамиятнинг расмий веб-сайтини такомиллаштиради.

29. Қўшимча ахборот, шунингдек, Жамиятнинг умумий мажлисларида ошқора қилиниши мумкин. Кузатув Кенгаши ва Ижро органларининг мукофот ва кенИнформация о размере вознаграждения и бадал микдори ҳақидаги ахборот Жамият акциядорларининг умумий мажлисида ошқор қилиниши ва акциядорларнинг умумий мажлис баённомасига киритилиши ҳам мумкин.

30. Жамият ахборотни ошқор қилиш учун қонунчиликда кўзда тутилган бошқа манбалардан ҳам Жамият ҳақидаги ахборотларни ошқор қилишини таъминлайди.

## **V. Жамият Ижро органининг маълумотни ошқор қилиш мажбурияти.**

31. Жамиятнинг фаолияти ҳақидаги ахборотни тўплаш, тайёрлаш ва ошқор қилиш – Қонунинг тавсияномаларига мувофиқ ва қонунчилик талабларига мувофиқ, корпоратив муносабатларни акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахс(бошқарма, бўлим, сектор)лар билан амалга ошириш вазифаси юклатилган, корпоратив Жамиятнинг тизимли бўлинмаси томонидан бошқарув амалга оширилади.

32. Керакли ахборотни ўз вақтида, сифатли тайёрлаш ва ошқор қилиш учун, кўрсатилган Жамиятнинг тизимли бўлинмаси Жамиятнинг бошқа тизимли бўлинмалари билан ўзаро таъсир Регламенти Ижро органи раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

33. Ижро органи Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ички аудит Хизмати ва корпоратив маслаҳатчиларга Жамиятнинг кўрсатилган тизимли бўлинмалари бўйича керакли бўлган ахборот ва ҳужжатларни ўз вақтида етказилишини ташкил қилади.

34. Ижро органи Жамиятнинг кўрсатилган тизимли бўлинмаларига керакли маълумотлар ва ҳужжатларни, Жамиятнинг барча тизимли бўлинмалари томонидан ўз вақтида тақдим қилинишини ташкил этади.

35. Ошқор қилинаётган маълумотни ўз вақтида, тўлиқлиги, аниқлигига Ижро органининг раҳбари жавобгардир.

36. Ижро органининг раҳбари ҳар кварталда Кузатув Кенгашининг мажлисларида, ахборотни ошқор қилиш талабларига риоя қилиниши ҳақидаги ҳисобот топширади.

## **VI. Жамият акциядорларига ахборотни тақдим этиш**

37. Акциядорларнинг жамиятни маълумотлари ва ҳужжатларига, шу жумладан Жамият ошқор қилмайдиган нарсаларга кириш ҳуқуқи, бошқалардан ташқари,

жамиятнинг назорат қилувчи шахслари ва унинг бошқарув органлари аъзоларининг жавобгарлигини таъминлаш механизмининг энг муҳим элементларидан бири бўлиб, Жамият акциядорларига етказилган зарарни қоплаш учун даъволарни асослашга имкон беради.

38. Жамият томонидан акциядорларга маълумот етказишда, акциядорлар манфаатлари ва Жамиятнинг рақобатчилик қобилиятига муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, муҳим тижорат маълумоти махфийлиги сақлашдан манфаатдор аниқ акциядорлар манфаатлари ва Жамият ўзининг манфаатлари ўртасидаги мулаҳазали балансни таъминлаш.

39. Жамиятнинг миноритар акциядори тижорат сири хужжати, хизмат ёки бошқа махфий маълумотни талаб қилиб олиш ва ундан фойдаланиш йўли билан Жамият бошқарув фаолиятига тўсқин бўлмаслиги керак.

40. Жамият қонунчилик талабларига мувофиқ, керакли маълумотларни етказиб бериши шарт.

41. Мажбурий маълумотлар акциядорларга ОАВ, электрон почталар, ёзма хабарномалар орқали, шунингдек акционерларнинг талабномаларга мувофиқ, тақдим этилади.

42. Қонунчилик талабларига мувофиқ, акциядорларга тақдим этиладиган мажбурий маълумотлар рўйхати:

а) қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи. Мазкур хужжат билан Жамиятнинг қимматли қоғозларни очиқ жойлаштириши ҳақида, Жамиятнинг хабарномасидаги манзилда ёки талабномага асосланган хужжат орқали танишиш мумкин;

б) Жамият акциядорларининг умумий мажлисини ўтказиш ҳақида хабар. Мазкур маълумот, Жамиятнинг расмий вейб-сайти, оммавий ахборот воситаларида чоп этилади, шунингдек, акциядорларнинг Умумий мажлисини ўтказилиш санасига 7 кундан кам бўлмаган, аммо 30 кундан кўп бўлмаган муддатда электрон почта орқали юборилади.

в) Жамиятнинг йиллик Умумий мажлиси (Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчининг) хулосаси ва Жамиятнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари), Жамият Бошқарув раиси, ишонч билдирилган бошқарувчиси билан бўлган шартнома муддатини узайтириш, қайта шартнома тузиш ёки бекор қилиш ҳақидаги Кузатув Кенгашининг хулосалари, ҳамда Жамият Кузатув Кенгаши ва Тафтиш комиссиясини аъзолигига номзодлар ҳақидаги маълумотларни, Жамият Низомига, ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Низоми ва бошқаларга кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лойиҳаси) ҳақидаги маълумотлар. Акциядорлар мазкур маълумотлар билан акциядорлар умумий йиғилиши ҳақидаги хабарномада кўрсатилган манзилдан ёки талабнома орқали олишлари мумкин;

г) акциядорларни навбатдан ташқари умумий мажлисига тайёрганлик ҳақидаги маълумот. Акциядорлар мазкур маълумотлар билан акциядорлар умумий йиғилиши ҳақидаги хабарномада кўрсатилган манзилда ёки талабнома орқали олишлари мумкин;

д) ўзининг жойлашган манзилини (почта манзили) ва электрон почтаси ўзгарганлиги ҳақидаги маълумот. Мазкур маълумот ОАВ чоп орқали тақдим этилади;

е) Жамият акциядорларига, акция ёки акцияларга айрибошланадиган қимматли қоғозларни, қимматли қоғозлар чиқариш ҳақидаги қарорни қабул қилган жамият бошқарув органи томонидан белгиланган, улар жойлаштирган нархда эгалик қиладиган акциялар сонига мутаносиб шартларда сотиб олиш ҳақидаги маълумот. Ушбу маълумотлар акцияларни ёки акцияларга айрибошланадиган қимматли қоғозларни

чиқаришни, давлат рўйхатидан ўтказган кундан бошлаб ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан тақдим этилади.

ж) Жамият томонидан жойлаштрилган акцияларни қайтариб олиш ва сотиб олиш шартлари бўйича маълумот. Ушбу маълумот акция қайтариб олиш муддатидан ўн кундан кечиктирилмаган муддат ичида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўзининг расмий веб-сайтида маълумот жойлаштириш йўли билан тақдим этилади;

з) Жамият томонидан акциядорлардан акцияларни сотиб олиш ҳуқуқи борлиги ва қонунчиликда кўрсатилган ҳолатларда қайтариб олиш тартиби ҳақида маълумот. Ушбу маълумот Жамият томонидан акцияларни ёзма хабарнома орқали қайтариб сотиб олиш талаб қилиш ҳуқуқи пайдо бўлишига сабабчи бўлган қарорни, қабул қилиш санасидан етти кун ичида унга тақдим этилади.

и) Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари тўғрисидаги маълумот. Мазкур маълумот акциядорларнинг талабларига мувофиқ тақдим этилади.

43. Жамият акциядорларга, шунингдек, корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ, қўшимча маълумотларни (тижорат сири ва бошқа махфий маълумотлар бундан мустасно) тақдим этади.

44. Акциядорларга талабномага асосан қўшимча маълумот берилади.

45. Корпоратив бошқариш тавсиясига мувофиқ акциядорларга бериладиган қўшимча маълумотлар рўйхати:

а) кун тартиби бўйича керакли маълумотлар, шу жумладан Кузатов кенгашининг акциядорларни умумий мажлисининг кун тартиби номи бўйича ҳолати. Мазкур маълумот умумий мажлис ўтказгунга қадар акциядорларга тақдим этилади.;

б) Акциядор капитали тузулиши ҳақида маълумот;

в) Жамиятнинг назорати остидаги юридик шахслар ҳақида маълумотлар. Мазкур маълумотни акциядорларга тақдим этиши учун, Жамият ўзининг назорати остидаги тегишли ташкилотларидан, бундай маълумотларни олиши учун зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим.;

г) асослантирилган қарор қабул қилиши учун, акциядорларга керак бўлган бошқа маълумотлар (тижорат сири, хизмат сири ва бошқа махфий маълумотлар бундан мустасно).

46. Акциядорлар учун Жамиятнинг маълумотлари ва ҳужжатларига кириш тартибини тақдим этиш маълумот келмаслиги керак.

47. Акциядорлар билан алоқаларни соддалаштириш мақсадида, Жамиятнинг корпоратив сайтида, акциядорларнинг ёзма ёки электрон талабномалари, шу жумладан акциядорларни алоқа маълумотлари ва уларнинг банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, юборилиши мумкин бўлган манзил кўрсатилади.

48. Жамият ўзининг техник қулайлигини ҳисобга олиб, акциядорлар учун қулай бўлган Жамиятнинг маълумотлари ва ҳужжатларига кириш учун талабнома йўналишини тартибини ташкил қилади (замонавий алоқ воситаларидан фойдаланиш ва электрон шаклда маълумот алмашиш тартиби).

49. Жамият акциядорлар учун қулай усул ва уларга қулай шаклларда, шу жумладан электрон ахборот ташувчи ва замонавий алоқа воситалари (ҳужжатларни ва маълумотларни ҳужжатларни нусхасини тўғрилиги ва уларни етказиб бериш усуллари тасдиқловчи, тақдим қилиш шаклларида етказиб бериш ҳақидаги акциядорларни юборган талабномасини ҳисобга олган ҳолда)дан фойдаланган ҳолда маълумотларни тақдим этади.

50. Жамиятнинг ационерларига маълумот етказиш мажбурияти, акциядорлар билан корпоратив алоқаларни қўллаш вазифаси кирувчи, Жамиятнинг тизимли бўлинмалари (бошқарма, бўлим, сектор) зиммасига юклатилган.

51. Маълумот бериш ҳақидаги барча талабномалар акциядорлардан тушган талабномаларни рўйхатга олиш махсус дафтарида рўйтадан ўтиши керак.

52. Акциядорлардан ҳужжатларга киришга рухсат бериш ёки хато чоп этилган ҳужжатни бериш ёки аҳамиятли бўлмаган камчиликлар ҳақида маълумот тушса, Жамият талабномани қондиришга рад этмаслиги керак. Акциядорни талабномасини қондириш учун Жиддий камчиликлар бўлган тақдирда, Жамиятнинг имкони бўлмаса, Жамият уларни тузатишга имкон бериш учун, акциядорларга хабар бериши лозим.

53. Ижро органи раҳбарининг буйруғи билан акциядорлар, Жамиятнинг бошқа тизимли бўлинмалари ва Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари билан корпоратив алоқаларни қўллаш вазифаси керакли маълумотни тайёрлаш учун, Жамиятнинг тизимли бўлинмаси (бошқарма, бўлим, сектор) ўзаро таъсир Регламенти тасдиқланади.

54. Маълумот акциядорларнинг талабномаларига асосан, агар қонунчиликда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, бир ҳафталик муддатда тақдим этилади.

55. Жамият ҳужжатлар нусхасини тайёрлаш ва юбориш учун харажатларни сунъий равишда оширмаслиги керак. Харажатлар қиймати ҳужжатларнинг нусхасини тайёрлаш ва уларни юбориш учун кетган харажатларнинг ҳақиқий қийматидан ошмаслиги керак.

56. Акциядорлар Жамият ҳақидаги ёки унинг фаолияти ҳақидаги, тижорат сирини ёки давлат томонидан кўриқланадиган сирни ошқора қилиш ҳуқуқига эга эмаслар .

## **VII. Жамият бошқарув органининг аъзолари томонидан маълумотларни ошқор қилиниши**

57. Кузатув Кенгашининг раиси ёки унинг ваколати бўлган Кузатув Кенгашининг аъзоси, Кузатув Кенгашининг мажлисида кўриб чиқилган масалалар бўйича, қабул қилган қарорларини, шунингдек (интервью, оммавий тадбир, телефон концеренциялари доирасида ва ҳ.к.ларда) Жамиятнинг тижорат, хизмат ва бошқа махфий маълумотларини сақловчи маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, расмий равишда изоҳлаши мумкин,

58. Кузатув Кенгашининг аъзолари мулоҳаза ва маъсулият асосларига асосланган ҳолда, Кузатув Кенгаши мажлисларида кўриб чиқилган масалалар, шунингдек Жамиятнинг тижорат сири, хизмат сири ва бошқа махфий маълумотлар бўйича, ўз нуқтаи назарларини ошқора равишда билдиришлари мумкин.

59. Жамиятнинг Ижро органи раҳбари, шунингдек Жамият Кузатув кенгашининг раиси, жамоатчилик билан алоқалар бўйича Жамиятнинг ишончли вакили, ҳамда Жамиятнинг бошқа мансабдор шахслари (Ижро органи раҳбари томонидан белгиланган ваколат доираларда) Жамият фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича, Жамият номидан жамоатчилик олдида расмий баёнот бериши мумкин..

## **VIII. АЖнинг бошқарув ва назорат органи аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ва манфаатдорлар шахслар ўртасида ўзаро ахборот алмашиш тартиби**

60. Жамиятнинг ахборот сиёсатининг йўналишларидан бири Жамиятни инвесторлар, кредиторлар, шериклар, харидорлар, таъминотчилар, давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор шахслар (келгусида – манфаатдор шахслар) билан Жамиятни ўзаро ҳамкорлигини таъминлашдир. Жамият томонидан маълумотларни ошқор

қилиш - бу шахслар билан узоқ муддатли алоқаларни ва уларнинг ишончини шаклланишига, Жамият қимматини ошириш ва капитални жалб қилишга ёрдам беради.

61. Ижро органи раҳбарининг буйруғи билан, бошқариш органи аъзолари, мансабдор шахслари, АЖ ходимлари ва Жамиятнинг манфаатдор шахслари ўртасида ўзаро маълумот алмашиш учун, у орқали ахборот алмашинувини амалга оширувчи жавобгар шахс тайинланади. Бу Жамият акциядорлар билан корпоратив алоқаларни қўллаш вазифаси юклатилган, тизимли бўлинмасининг раҳбари бўлиши мумкин.

62. Мазкур Низомда кўзда тутилган маълумотларни манфаатдор шахсларининг (ёзма ёки электрон) талабларига асосан, Жамиятнинг маъсул шахси бир ҳафта давомида, агар қонунчиликда бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, Жамият ҳақидаги тижорат сири ёки махфий барча маълумотни электрон шаклда тақдим этади.

63. Хужжатларни нусхасини тақдим этиш зарурати туғилганида, манфаатдор томон, хужжатларни нусхасини тайёрлаш ва почта орқали юбориш билан боғлиқ бўлган харажатларини тўлов қийматидан ортиқ бўлмаган харажатлар тўловини амага оширади.

### **IX. Жамият маълумотларини махфийлиги.**

64. Жамият томонидан акциядорларга маълумот тақдим этилаётганида, Жамият рақобатбардошлилигига муҳим таъсир кўрсатувчи, муҳим тижорат маълумотларини сақлашда манфаатдор, аниқ акциядорлар ва Жамиятнинг ўз орасидаги оқилона балансни таъминлаш тавсия қилинади.

65. Аниқ акциядорлар ва Жамиятни ўз манфатлари ўртасида балансга эришиш учун, ҳамда қонунчилик талабларига мувофиқ (ЎзР Адлия Вазирлиги томонидан 24.02.2010 й. куни 2081 рақам билан рўйхатга олинган “Эмитентларнинг махфий маълумотларини ҳимоя қилишни ташкил қилиш ҳақидаги Йўриқнома), шунингдек Жамиятда корпоратив бошқариш Кодексининг тавсиясига кўра – ***Жамиятнинг маълумотини махфий категорияга ўтказиш тартибини ўз ичига олган, Жамиятнинг ахборот хатарсизлиги Йўриқномаси*** - ички хужжати қабул қилинади.

66. Жамиятнинг маълумотини махфий категорияга ўтказиш тартиби, маълумотларни махфий категорияларга ўтказишнинг аниқ мезонини ва Жамиятнинг махфий маълумотларини рўйхатини тузиш тартиби белгилайди.

67. Жамиятнинг ахборот хатарсизлиги ҳақидаги Йўриқнома, Жамият маълумотини махфийлик рўйхатини ва махфий маълумотни ҳимоя қилишни ташкил қилиш чораларини белгилайди.

68. Жамиятнинг махфий маълумотларга акциядорларни кириши, маълумотни махфийлик характери ҳақида акциядор огоҳлантирилганида ва унинг махфийлигини сир сақлаш мажбуриятини олганида, ва шунингдек қонунчилик талабини бажарган тақдирда амалга оширилади.

69. Агар талаб қилинаётган маълумотлар характери ва ҳажми, акциядорлар томонидан Жамиятнинг маълумотларига кириш ҳуқуқи суистеъмол қилнаётганлигига тасдиқланса, бунда Жамиятнинг Ижро органи ва Кузатув Кенгаши акциядорни талабини бажаришга эътироз билдириши мумкин. Бундай эътирозлар асоссиз ва ихтиёрий бўлиши мумкин эмас, чунки акциядорлар учун тенг шароитларда акциядорлар бир хил ҳолатда бўлишини билдирувчи шартларнинг тенглиги асосига мувофиқ бўлиши керак.

70. Давлат органларига махфий маълумотларни ошқора қилиш қонунчиликда кўзда тутилган ҳодиса ва тартибларда Жамият томонидан амалга оширилади.

## **Х. Жамият ахборот сиёсатини назорат қилишни таъминлаш чоралари.**

71. Жамиятнинг ахборот сиёсати Жамиятнинг Ижро органи орқали амалга оширилади.

Маълумотни тўлиқлиги, ишончилиги ва ўз вақтида ошкора қилиниши учун Жамият Ижро органининг раҳбари маъсулдир.

Ижро органининг Кузатув кенгаши олдидаги ҳар квартал ҳисоботида Жамиятни ахборот сиёсатига риоя қилиш ҳақидаги маълумотларни ташкил этади.

72. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши Мазкур Низомнинг бажарилиши ҳақидаги ижро органининг ҳисоботини ҳар кварталда эшитиш йўли билан Жамиятнинг ахборот сиёсатини бажариш устидан назоратини амалга оширади.

Жамият ҳақидаги маълумотни ўз вақтида, сифатли ва ишончли ошкора этиш Жамият Ижро органининг фаолиятини самарадорлигини баҳолашва унга мукофот бериш учун шартлар мезонидир.

73. Акциядорларнинг умумий мажлиси Жамиятнинг мансабдор шахсларига Кодекс тавсиларини бажармаганлиги ёки Кодекса кўрсатилган ошкора қилинмаган маълумотлар учун жавобгарлик чораларини белгилаш ҳуқуқига эга.

74. Мазкур Низомни талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

## **XI. Яқуний қоидалар.**

75. Мазкур Йўриқнома Жамият Кузатув Кенгашининг қарорига асосан, Кузатув кенгашининг мажлисида иштирок этган Кузатув Кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан ёки Кузатув кенгашининг сиртқи мажлиси ўтказилган тақдирда Кузатув кенгаши аъзоларининг бир овоздан қабул қилинганидан сўнг кучга киради

76. Ушбу Йўриқномага қонунчиликнинг ўзгариши, Жамият Низоми ёки ички ҳужжатларига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши муносабати билан, Жамият ташкилий тузилмаси ўзгартирилганда ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

Мазкур Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар Кузатув Кенгашининг қарорига асосан, Кузатув кенгашининг мажлисида иштирок этган Кузатув Кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан ёки Кузатув кенгашининг сиртқи мажлиси ўтказилган тақдирда, Кузатув кенгаши аъзоларининг бир овоздан қабул қилинганидан сўнг кучга киради.

77. Агар мазкур Йўриқноманинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ёки Жамият Низомига зид бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалардаги тартибга солинувчи масалалар қисми, мазкур Йўриқномага тегишли ўзгартириш киритилгунига қадар, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик нормаларига асосланади.